Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 2 IYUN ◆ SHANBA ◆ № 63 (26.765)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Беларус пойтахти Минск шаҳрига жўнаб кетди.

СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

ЎЗБЕКИСТОН — ДЎСТИ КЎП ДИЁР

Ватанинг, халқинг ҳақида ўзга юртда яшайдиган биродарларингдан яхши гап эшитиш, уларнинг самимият балқиган тилакларини тинглаш жудаям марокли. Фахрланасан.

Адабиёт эзгулик, инсонийлик тантанаси учун курашади. Ҳар бир халқнинг зўр адиби, шоири бор. Тирикликда ўзига хайкал қўйиб, халкнинг ғурурига айланганлари бор.

Адабиёт сарҳад билмайди. Ҳар қайси миллатнинг буюклари билан суҳбатлашишни истамаган киши бўлмайди.

Ўз эли ва юрти ор-номуси учун курашувчи, шаънини бошига кўтаргувчи улуғ адиблар ва шоирлар, аҳли санъат, улкан олимларнинг Озод Ўзбекистонимиз ҳакидаги фикрларини билгимиз келди.

МДҲ: НАВБАТДАГИ САММИТ

— МДҲнинг навбатдаги саммитида ўндан ортиқ масала кўрилиши кутилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида. — Уларнинг энг муҳимлари иқтисодий соҳага оиддир. Сўнгги йилларда эркин савдо ҳудудини яратиш борасида кўп гапирилмоқда. Афсуски, бу масалада ҳали ҳам қуруқ гапдан нарига ўтилмаяпти. МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ушбу масалага жиддийроқ тўхталиш зарур, деб ўйлайман.

Хавфсизлик, МДҲга аъзо мамлакатларнинг барчаси учун энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун бу масала саммитда алоҳида муҳокама этилиши шубҳасиз.

* * *

«Минск миллий аэропорти»да Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Беларус Бош вазирининг ўринбосари М. Демчук ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Мамлакатимиз раҳбари Беларус пойтахтидаги «Фрунзе, 15» қароргоҳига жойлашди. Шу ернинг ўзида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашув бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида томонлар МДҲ, ГУУАМ сингари халқаро тузилмалар доирасида кўп томонлама ҳамкорлик ва МДҲда эркин савдо зонаси тузиш борасида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Беларус Президентининг қароргоҳида МДҲ саммитига ташриф буюрган давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда бир кун илгари ҳукумат раҳбарлари ва ташқи ишлар вазирлари кенгашларининг мажлисларида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, эришилган келишувлар ва қабул қилинган қарорлар муҳокама қилинди. Шунингдек, давлат раҳбарлари кенгашининг 2003 йилгача жиноятчилик, террорчилик ва экстремизмнинг турли кўринишларига қарши биргаликда чоралар кўриш тўғрисидаги қарори, 2000 йил 1 декабрда бўлган Минск саммити қарорлари, Эркин савдо зонаси тузиш тўғрисида 1994 йилда имзоланган битим ижроси билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар чоғида номи зикр этилган масалалар билан бирга, компьютер ахборот соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш, Чернобиль атом электр станциясидаги ҳалокатнинг 15 йиллиги муносабати билан амалга ошириладиган тадбирлар дастури муҳокама этилди.

Музокаралар ниҳоясида президентларнинг иккинчи жаҳон уруши бошланганига 60 йил тўлиши муносабати билан МДҲ мамлакатлари халқларига ва жаҳон ҳамжамиятига Мурожаати ҳамда МДҲнинг юбилей саммитини ўтказиш доирасида амалга ошириладиган ишлар режаси қабул қилинди.

Шу билан МДҲнинг навбатдаги саммити ниҳоясига етди.

■ (ЎзА)

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат

ҚОРАҚАЛПОҚ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Қорақалпоғистон пиллакорлари ҳар қандай машаққат, қийинчиликларга қарамасдан ҳар йилдагидан кўпроқ, сифатли пилла етиштирдилар. Шартнома бўйича 556,5 тонна ўрнига 578,8 тонна пилла топшириб, белгиланган режани ошириб адо этдилар. Улкан хирмонни бунёд этишда амударёликлар 174,8 тонна, тўртқўлликлар 130,5 тонна, элликқалъаликлар 119,3 тонна, берунийликлар 114,5 тонна ҳисса қўшдилар.

Пилла териш ва топшириш қизғин давом этмоқда. Улар яна 60 тонна пилла топшириб, умумий хирмонни 620 тоннага етказишмоқчи.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАФКУРАСИ:

ФАЛСАФИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАР

Шу мавзудаги республика илмий-назарий конференцияси кеча — 2001 йилнинг 1 июнь куни ЎзРФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида бўлиб ўтди. Анжуман ташкилотчилари — мазкур институт ва Ўзбекистон фалсафа жамияти ҳамда Ўзбекистон файласуфлари миллий уюшмаси бўлиб, улар ушбу конференцияни мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишладилар.

Анжуманни институт директори А. Жалолов кириш сўзи билан очди. Конференция ялпи мажлисида академик С.Шермуҳаммедов, юридик фанлари доктори Ҳ. Бобоев, фалсафа фанлари докторлари Қ.Назаров, О. Файзуллаев, юридик фанлари номзодлари Ш. Эшонова ва Р. Рўзиевларнинг маърузалари тингланди.

Конференциянинг 6 та шўъбалари мажлисларида Тошкент шаҳри ҳамда республикамиз вилоятларидаги олий ўқув юртларидан йиғилган, фалсафа ва ҳуқуқшунослик фанлари соҳасида меҳнат қилаётган илмий тадқиқотчиларнинг 100 дан зиёд маъруза, ахборотлари тингланди. Улар Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳнамолигида яратилиб, йилдан-йилга ривож топаётган миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг фалсафий ҳамда ҳуқуқий жиҳатларини илмий тадқиқ этиш, бунинг натижаларини маънавият, амалиёт учун зарурлиги, шунингдек, уларни халқимиз, айниқса, ёшлар онгига сингдиришнинг аҳамияти тўғрисида атрофлича фикр-мулоҳаза юритдилар.

Анжуман иштирокчиларининг маърузалари матнлари, қисқача тарзда, олдиндан чоп этилди.

■ **Манзурахон ХОЛМАТОВА**

ЭРКИН ПАРВОЗ ҚИЛМОҚ — БАХТ

Бош муҳарриримиз топшириғи билан Россиянинг доврўқли шоири Андрей Вознесенскийга қўнғироқ қилдим. Аёл кишининг ҳаяжонли овози:

— Андрей, Тошкент! Тошкентдан телефон қилишаяпти! Дўстларинг...

Сездимки, Вознесенскийнинг оиласи Тошкентни, Ўзбекистонни яхши кўраркан. Пича дадиллашиб улуғ шоирни гапга солдим. Унинг таржима қилинган шеърларини ўзбек тилида айтдим. Шоир анчагача жим турди.

— Мен сизнинг саволингизга жавоб бераман, — деди ниҳоят вазмин оҳангда.

— Бугунги Ўзбекистонни сиз қандай тасаввур этасиз?

— Ўзбекистонга бормаганимга анча бўлди. Дўстларим кўп. Уларни кўп эслайман. Ўзбекистонга боришни жудаям хоҳлайман. Кўргим келади. Албатта, бораман ҳам. Ўзбекистон чиройли юрт.

— Бу йил мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини нишонлаймиз...

— Биламан. Юртингизда улкан ўзгаришлар содир бўлганидан хабарим бор. Энг муҳими, озодлик, эркинлик. Эркин парвоз. Айниқса, ижоднинг эркин парвози. Бу катта гап. Ўзбекистон озод ва ҳур парвоз қилмоқда. Бундан қувонмоқ керак. Севинмоқ керак.

Мен ўзбек халқига, ўзбекистонликларга бахт тилайман. Тинчлик тилайман. Ҳаммангиз соғ-омон бўлинглар.

— Бизнинг адабиётимиз, ижодимиз ҳақида, умуман Ўзбекистон адабиёти хусусида нималар дея оласиз?

— Ўзбек шеърияти энг баландга, юксакликка кўтарилган шеърият. Жуда кучли шеърият. Айниқса, ўзбек поэзиясининг бир пайтлардаги доврўғи бугун янада юксалганига ишонаман. Бугунги ўзбек шеърияти билан ҳам яқиндан танишишни сидқидилдан истайман.

— Ўзбеклардаги қайси жиҳатларни қадрлайсиз?

— Ўзбекистон Шарқдаги энг гўзал мамлакатлардан бири. Мен ўзбекларни бир сўзли, танти халқ сифатида биламан.

— Раҳмат сизга. Яхши кунларда кўришайлик.

— Саломат бўлинг.

БИРДАМЛИКДА БАРДАММИЗ

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси Алматида жойлашган. Уюшма раиси Нурлан Ўрозалинни йўқлаб, сим қоқдим. Айтишдики, у касалхонада экан. Палатасида телефон бор экан. Бетоб одамнинг кўнглини сўраш керак, деган ўй билан боғландим. Нурлан оға анча тетик сўрашди. Сўнгра Ўзбекистон ҳақида, халқларимиз дўстлиги, биродарлик ҳақида қуйидаги фикрни айтди:

— Эмин-эркинлик, мустақиллик тангри берган бахтимиз. Бу кунларнинг хосияти улуғ. Ўрта Осиё халқларининг қалби яқин, томири бир. Ота-бобоси бир. Биз улуғ бир дарёнинг жилғасимиз. Томиримиз битта.

ХХ аср кулфатлар, қийинчиликлар, жабр-ситамлар, изтироблар билан бирга қувончлар ҳам ҳадя этди. Қувончнинг энг зўри Мустақиллик, Озодлик бўлди.

Озодликка интилмаган одам одам бўлмайди. Озодликка интилмаган халқ ҳам халқ бўлмайди. Озодликни сақлаб қолиш улкан иш. Буни сақламоқ учун жипслашайлик.

Ўрта Осиёда Ўзбекистоннинг ўрни бениҳоя зўр, роли катта. Мен шундай мамлакатда адабиёт ва санъат соҳасида жуда кўп дўстларим борлигидан қувонаман. Мен улар билан боғланиб, хабарлашиб тураман. Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Носир Фозилов, Азим Суюн, Мирпўлат Мирзо сингари оғаларим билан боғланишдаман.

Қирғизистонда Чингиз Айтматовни, Жалил Содиқни, Бексултон Жакиевларни соғингандек соғинаман уларни...

Адабиёт ва санъат олтин кўприкдир. Бу кўприк ҳеч қачон бузилмайди. Биз қайда юрсак-да, ҳеч қачон бир-биримизга терс қарамаймиз. Қучоғимиз доимо очиқ.

Улкан давлат — Ўзбекистоннинг мустақиллигига бу йил 10 йил тўларкан, юртингиз доимо гуллаб-яшнашини истайман. Ҳар бир ўзбекнинг хонадонида бўлиб ўтадиган тўй-томошалар менинг уйимда ҳам бўлиб ўтаяпти, деган фикрдаман. Биз сиз билан ҳали жуда кўп улуғ ишларни қиламиз.

Барча дўстларимга соғлик-омонлик тилаб қоламан.

■ **Суҳбатдош: Қўчқор НОРҚОБИЛ**

КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Республика эпидемияга қарши фавқулодда комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Комиссия айрим қўшни мамлакатларда қуйидирги касаллигининг тарқалишини юзага келтирган эпидемик ҳолатни муҳокама қилди. Айни пайтда ушбу юқумли касалликнинг Ўзбекистон ҳудудида ҳайвонлар ва одамлар орасида тарқалиш хавфи кучайганлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан йиғилишда инфекция тарқалишининг олдини олиш ва унинг республикамиз ҳудудида пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун амалга оширилиши лозим бўлган долзарб чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ушбу чора-тадбирлар барча жойларда санитария ва ветеринария хизматлари томонидан чорвачилик маҳсулотларини сотиш назоратини кучайтириш, чорва молларини эмлаш, чорвачилик фермалари, мол бозорлари ва касаллик тарқалиши мумкин бўлган бошқа жойларда дезинфекция ишларини ўтказишни ўз ичига олади. Аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб боришга катта эътибор қаратилди.

Шунингдек, комиссия Ўзбекистон ҳудудига ўта хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни янада кучайтиришга қарор қилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Т.Холтоев иштирок этди.

■ (ЎзА)

БОЛАНИНГ ҚЎЛИГА ҚУРОЛ БЕРМАНГ

БЕҒУБОР ФАСЛ

БОЛАЛАРГА БЕРАЙЛИК БИР КУН ДУНЁНИ

Болаликнинг миллати йўқ, дини йўқ, ирқи йўқ — унда миллий, ирқий, диний тафовут бўлмайди. Болалик ижтимоий, мулкий фарқлардан ҳоли беғубор мамлакатдир.

Ер юзидаги инсониятнинг миллий, диний, ирқий, сиёсий урушлардан чарчаганини кўрган шоир Нозим Ҳикмат, балки шунинг учун «Болаларга берайлик бир кун дунёни» дея ҳайқиргандир. Ахир, катталарнинг ноўрин ҳаракатидан энг аввало, болалик азият чекади. Биргина мисол: иккита жаҳон урушида қурбон бўлган 60 миллион одамлар ичида болалар ҳам анчагина эди. Катталарнинг бу хунрезлигидан миллион-миллион болалар етим қолди, сарсону саргардон бўлиб, болалигини йўқотди. Дунё бўйича охирги 10 йил мобайнидаги миллий, ирқий низоларда, ҳукумат талашувларида, сиёсий жанжалларда 1,5 миллион бегуноҳ бола ҳалок бўлган. Ҳозир 15 ёшга тўлмаган 300 мингга яқин болалар қўлига қурол олиб катталарнинг уруш-уруш «ўйинлари»да жангчи-аскар сифатида хизмат қилишаяпти, болалигини ўққа учиришмоқда. Ер юзида ҳозир 15 миллион етим, миллион-миллион қочоқ ва миллионлаб қашшоқликда кун кечираётган болалар борки, уларнинг ҳаммаси, биз катталар орасидаги низоли тўқнашувлар натижасида азият чекаётган болалардир. Африканинг бир қанча давлатларида болалар 7-8 ёшидан бошлаб ишчи мақомини олади, кўчани чангитиб болалик завқ-шавқидан баҳраманд бўлиш ўрнига тирикчилик учун тер тўкади, болалигини меҳнатга алмаштиради. Конго Демократик Республикасининг 50 минглик ёш аскарлари сафида 8 ёшли аскар болалар ҳам бор. Эфиопияда болаликда бир бурда нонга тўйиш учун қилинган орзу умр бўйи армон бўлиб қолиши мумкин. Фаластинлик араб боласи билан Исроилнинг яҳудий боласи бирга ўйнашаётган бўлса, катталар дарров ажратиб олишади — яна катталар орасидаги низога болалик товон тўлайди, яна болалар орасига чегара қўйилади. Катталарнинг сиёсий муносабати деб ҳиндистонлик Бежжай исмли бола Покистондаги қариндоши Аҳмадникига боролмайди. Қўшнингиз билан урушган бўлсангиз, сизнинг уруш-жанжалингизга даҳли йўқ фарзандингизни жазолайсиз — қўшни бола билан «от-от» ўйнаб турган болангизнинг қулоғидан чўзиб ҳовлига қамаб қўясиз.

Хуллас, ўзимизнинг манфаатларимиз, фикрий чегараларимиз, сиёсий ижтимоий қобиқларимиз билан болаликни ҳам симтўсиққа қамамоқчи бўламиз.

Болаликда ижтимоий, сиёсий бўлиниш мавжуд эмас. У дунёни қурол-яроққа эмас, ўйинчоқларга тўлдиради. Қора танлими, қизил танлими, тили тушунарлими-йўқми, уларнинг кўл ушлашиб бирга ўйнашларига бу ҳалақит қилолмайди. Манави лорднинг боласими, бу эса хизматчиникими, уларга бунинг фарқи йўқ, лорднинг боласи қўлидаги музқаймоқни хизматкорнинг боласи билан баҳам кўради, тугаб қолса олиб келасан, деб буюрмайди, хархаша қилмайди. Шаҳзоданинг боласи билан бирга боғчада тарбияланаётган болалар унга хушомад қилишмайди. Уларда болалик деган тенглик бор, улуғворлик мавжуд. Салом беришса «каттакон» экан ёки бошлиқ деб эмас, оддийгина самимият ва ёши катта бўлганлиги учун шундай қилишади. Уларда манфаат деган қутқу йўқ. Совға улашсангиз, вой совға берганди, дея бир умр сизга таъзим қилиб юрмайди, ўша заҳоти унутади. Чунки ўзи ҳам шундай-да, неки қилса кўнгилдан қилади-да, ҳар бир ҳаракатида самимий-да у...

(Давоми 2-бетда).

ОЧИҚ ГАПЛАР

ШАРТНОМАДА ҒИРРОМЛИК КЕТМАЙДИ

Мирзачўл дон қабул қилиш корхонаси «Бахмал-2» фермер хўжалиги ҳам маҳсулот қийматини, ҳам 745200 сўм пеня ва яна келтирган маънавий зарари учун 30000 сўм тўлашга мажбур бўлди.

Воқеа бундай бўлган эди. Ўтган йилнинг 25 февраль куни «Бахмал-2» фермер хўжалиги билан Мирзачўл дон қабул қилиш корхонаси маъмурияти ўртасида контрактация шартномаси имзоланди. Унда томонларнинг мажбуриятлари аниқтиниқ акс этган эди.

Фермер хўжалиги жамоаси шартномада кўзда тутилган барча шартларни бажариб, корхонага 40 тонна ўрнига 48 тонна ғалла топширди. Лекин дон қабул қилиш корхонаси маъмурияти топширилган маҳсулот учун тўланиши лозим бўлган 1.242.050 сўмни ва режадан ортиқча топширилган ғалланинг қийматини тўламай шартнома шартини бузди. Устига-устак фермер хўжалиги раҳбари А.Холмўминовни эрта келинг, индин келинг деб сарсон-саргардон қилди ва унга маънавий зарар ҳам етказди.

Хўжалик билан корхона ўртасида бўзчининг мокисидай бориб келавериб, асаблари анча қақшаган А. Холмўминов охироқибат Жиззах вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бошқармадагилар ушбу ҳолат бўйича далил ва сабабларни чуқур ўрганиб, Дон қабул қилиш корхонаси маъмурияти томонидан фермернинг қонуний манфаатлари бузилган, деган хулосага келди ва Мирзачўл туман судига даъво аризасини киритди.

Очиқ суд мажлиси вилоят адлия бошқармасининг «Бахмал-2» фермер хўжалиги манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиб киритган даъво аризасини қондириш зарур, деган хулосага келди. Суднинг қарори билан Дон қабул қилиш корхонаси ҳисобидан «Бахмал-2» фермер хўжалиги фойдасига топширилган маҳсулот қиймати, 745200 сўм пеня ҳамда 30000 сўм маънавий зарар фермер А. Холмўминов фойдасига ундириладиган бўлди.

Ҳақ жойида қарор топди. Фермер хўжалиги жамоаси меҳнатлари маҳсулидан манфаатдор бўлиб, кечроқ бўлса-да даромадларини олдилар. Аммо шу ўринда кишини андак ўйлантириб қўядиган, таъбир жоиз бўлса, жиндек ранжитадиган ҳолат ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Фермер хўжалиги аъзолари йил бўйи меҳнат қилиб етиштирган ва Дон қабул қилиш корхонасига топширган ҳолат ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Фермер хўжалиги аъзолари йил бўйи меҳнат қилиб етиштирган ва Дон қабул қилиш корхонасига топширган ғалласи учун тўланиши лозим бўлган пул маблағини олти ойдаям ололмасдан сарсон бўлиб юрса-ю, наҳотки буни на туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, на туман ҳокимлигидаги мутасаддилар билишмаса?! Шу билан бирга тадбиркору фермерлар манфаатини ҳимоя қилиши керак бўлган тумандаги бошқа ташкилотлар-чи?! Бордию А.Холмўминов вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилмаганда воқеа қандай кечарди-ю, қай тарзда хотима топарди?! Бу саволлар ҳар биримизни ўйлантириши, айниқса, ўзаро шартномага имзо чекаётган томонларнинг ушбу шартнома шартларини бажаришдаги масъулиятини эслатиб туриши зарур.

■ **Раҳим УМИРЗОҚОВ, Мирзачўл туман халқ суди раиси, Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БОЛАЛАРГА БЕРАЙЛИК БИР КУН ДУНЁНИ

НЕГА ЎЗБЕКНИ БОЛАЖОН ХАЛҚ ДЕЙИШАДИ?

1 июнь арафасида ёки Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро, ташкилот, муассаса болаларга мурувват эшикларини ланг очиб қўйган бугунги кунлардагина эмас, ҳамиша ўзбекнинг болажонлиги жаранглаб келган. Сабаб...

1. Ўзбек халқи болажон, серфарзанд халқ. *Шунинг учун болага меҳри баланд. Ўзбекистондаги аҳолининг 39,1 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади. Ўтган йили республикамиздаги 4 млн. оила сафига 168 минг янги оила қўшилди, 530 минг хонадонда чақалоқ дунёга келди. Шу йилнинг 3 ойида эса 30 минг янги оила қурилди, 126 минг хонадонга бешик кириб борди.*

2. Халқимизнинг болажонларга аталган тўйлари кўп. *Санаймиз: фарзанд дунёга келганда шукрона ва қувонч билан ўтказиладиган сочала тўйи; бешик тўйи; сочига биринчи қайчи тегиши муносабати билан кокил тўйи; оёғи чиққанда, яъни илк марта юра бошлаганда қилинадиган оёқ тўйи; суннат тўйи; 12 ёшга тўлганда қилинадиган мучал тўйи ва ҳоказо.*

3. Қонунларимизда болалик муҳофазага олинган. *Масалан, ишга қабул қилишга 16 ёшдан кейин йўл қўйилади. 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан соғлиғига, ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиши тақиқланади. 16 ёшгача нафақа давлат томонидан тўлаб борилиши кафолатланган. Аёлларга туққунга қадар 70 календар кун, туққандан кейин 56 календар кун таътил берилади. Аёлнинг хоҳишига кўра боласи икки ёшга тўлгунга қадар таътил берилиб, нафақа тўланади. Фарзандини 3 ёшга етгунга қадар тарбиялашда ҳам қонунларимиз аёлларга имтиёз беради. Улар боласи 3 ёшга тўлгунга қадар иш ҳақи сақланмайдиган парваришлаш таътилини олишлари мумкин. Бу вақтда унинг иш ўрни ва лавозими сақланади. Меҳнат кодексига асосан 14 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси берилиши мумкин, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлга ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган иш муддат белгиланади ва тўлиқ иш муддати чоғида тўланадиган иш ҳақи сақланади. Кўриб турганингиздек қонунларимизда ҳам халқимиз фикридаги болани тарбиялаш энг катта вазифа, деган қараш ўз аксини топган.*

4. Ҳукуматимизнинг болаларга эътибори юксак. *Ўтган йили «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган бўлса, бу йил «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилинди. Ҳар йили 1 январда Президент арчаси ўтказилса, 1-синф ўқувчиларига ҳар йили 1 сентябрда Президент совғаси топширилади.*

5. Ўзбек халқи кўп миллатли халқ. *Биргина эвакуация қилинган болаларни асраб олган Шомаҳмудовлар оиласида 3-4 миллат болалари бор эди. Ўзбекда бировнинг боласи, деган тушунча йўқ. Эътибор қилсангиз ҳамма болага «болам» деб мурожаат қилади. Бизда ота-оналик ҳиссида ҳам миллат йўқ, ирқ йўқ. Ўзбекистонда халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунидан ташқари бошқа кунларда ҳам болалар, болалик ҳимоядадир. У ҳамиша эътиборда, эъзозда турибди.*

6. Ўзбекистондаги жамоат ташкилотлари, ҳаттоки сиёсий партиялар ҳам ўз фаолиятида болаларга эътиборни кейинги масалалар қаторига киритмайди. *Масалан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотлари томонидан биргина Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб пойтахтда ўтказилган 13 та меҳр-саховат тадбирида бевосита иштирок қилиб, биз шунга амин бўлдик.*

ТЎРТ МИЛЛАТ БОЛАЛАРИ ЎЗБЕКЧА РАҚС ТУШДИ

Бектемир туманидаги «Байрам» кафеси. 85 чоғли кам таъминланган ва ногирон болаларга бу ерда байрам тадбири ўтказилди. Елиб-югуриб, гоҳ болажонларни даврага тортиб, гоҳ уларга музқаймоқ ёки совға улашиб юрган туман ҲДП кенгаши иккинчи котиби Мавлуда Каримовадан «чарчамаяпсизми?» деб сўраймиз. У киши саволимизга савол билан жавоб қайтаради: «Болаларимизнинг юзидаги мамнунликни кўряпсизми? Шуларни кўриб туриб, чарчаш мумкинми?!» Бирдан андижон полкаси янграйди. 10 чоғли ўғил болалар даврага чиқиб мусиқага мос елка қимирлата бошлайдилар. Корейс, рус, немис, украин миллатларидан иборат рақс дастасининг ўзбекчага завқ билан рақс тушишини кўриб, болаликнинг беғубор, юксак оламидан сурур оласан, шукр қиласан. «Осмони тинч юртнинг болалари байрам қилади. Адолатли давлатнинг, бағри кенг мамлакатнинг турли халқлари бир мусиқага ана шундай завқ билан рақс тушади», — дейди туман кенгаши биринчи котиби Ҳабибулла Рўзиметов.

МУРУВВАТ УЙИНИНГ ҚИЗИ КЕЛИН БЎЛДИ

— Кеча 24-меҳрибонлик уйига ҳомийимиз «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти орқали совға улашдик. Эртага 2-меҳрибонлик уйига бормоқчимиз. Ҳозир эса 1-меҳрибонлик уйига бориб, озгина совғамиз бор ўшани топшириб келамиз. — Собир Раҳимов туман ҲДП кенгаши биринчи котиби Аваз Саидов йўл-йўлакай юқоридаги маълумотларни айтиб боради. 1-меҳрибонлик уйининг дарвозалари ланг очиқ. Ҳовли худди байрамлардагидек безалган. Давра болалар билан тўла. «Жозиба» эстрада гуруҳи қўшиқ айтаяпти. Бироздан сўнг «янги қўшиғимизнинг илк эшитувчилари сизлар бўласиз, болажонлар» дейишганда этимиз жимирлаб кетди. Дарвозадан эса мурувватли одамларнинг кети узилмайди.

Кўлимизга ҳозиргача келган ҳомийлар рўйхатини тутқаздилар. Улар 10 дан ортиқ эди. Рўйхатда Мудофаа вазирлигидан тортиб Чехия элчихонасигача, Давлат спорт қўмитасидан тортиб биз билан ўзбекча мулоқот қилган етимларга ёрдам бериш халқаро дастури директори Эдвард Керни ҳам бор. «Айниқса, биз Халқ демократик партиясидан жуда хурсандмиз. Ҳар бир кунимизда улар бош-қош, газетага ёзсангиз, албатта, шуларни ёзинг», — дейди меҳрибонлик уйи директори. Бунга жавобан эса «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котиби Дилшод Рихсиев «биз туман ҲДП кенгаши ташаббусига ҳамиша лаббай деб жавоб бериб, ҳомийлик ёрдамини қилаверамиз. Болаларнинг бир кунлик шодлиги ишимизга минг кунлик барака беради» дейди. Энг ҳаяжонлиси, мурувват уйининг тарбияловчиларидан бири ўз тарбиясидаги бир қизга меҳр қўйган экан. Уни ўғлига келин қилибди.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ТУҒИЛГАНИМИЗДАН БАХТИЁРМИЗ»

98-сонли мактаб-интернатда Тошкент шаҳридаги 11 тумандан 437 кам таъминланган ва етим болалар таҳсил олишади. Куни кеча бу интернатда ҳам байрам тадбири бўлиб ўтди. ҲДП Шайхонтоҳур туман кенгаши биринчи котиби Ҳайдар Бобохонов ҳомийлар ёрдамидаги канцелярия моллларини интернатга топширар экан, у кишига яна бир партиявий вазифа юклатилди: 10 ўқувчи ва тарбиячига партия гувоҳномаларини ўз қўли билан топширди. Тарбияланувчилар эса ғамхўрликдан хурсандлигини шундай ифодалашди: «Биз Ўзбекистонда яшаётганлигимиздан бахтиёрмиз».

Болаларнинг хурсандчилигига шерик бўлиб турган бир пайтда Чилонзордан яна бир хабар олдик. ҲДП Чилонзор туман кенгаши билан «Нэстқурилиш» хусусий фирмаси биргаликда тумандаги 103-гимназия ҳисоб рақамига 300 минг сўм ёрдам пули ўтказибди — халқимизнинг саховатпешалигига мана яна бир мисол. Дарвоқе, 98-интернат-мактабидаги бундай тадбирларнинг бугун 39-чиси экан... Акмал Икромов туманидаги 346-болалар боғчаси тарбияланувчиларига байрам дастурхони ёзилган бўлса, Мирзо Улуғбек туманининг Бўз-8 маҳалласидаги кам таъминланган оила фарзандларига кийим-кечак тарқатилди. Юнусобод туманидаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳам байрам тадбири ўтказилиб, совға-салом улашилди. Бундай тадбирлар Ёшлик шаҳарчаси, Сирғали туманида ҳам бўлиб ўтди. Хуллас, Халқ демократик партиясининг туман кенгашлари бош-қош бўлган ушбу хайрли тадбирларни санаб чиқишга анча вақт кетади. Нақди шуки, кеча ҳар бир боланинг қалбига байрам шукуҳи кириб борди.

БОЛАЛИКНИНГ ҲИМОЯСИ ТИНЧЛИКДИР

Ярим аср илгари БМТнинг қарори билан «1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» деб эълон қилинган эди. Шу санадан бошлаб дунё аҳли ушбу кунни болаларга бағишлайди. Унинг ҳимоясига, унга ғамхўрликка эътибор қаратади. Кўчаларни чангитиб бехавотир, беҳадик ўйнаб юрган болаларимизга қараб улар учун энг катта ғамхўрлик тинчлик эканлигини англайсан. Фарзандларингнинг бехавотир яшаётганлиги сен учун ҳам бахт эканлигини ҳис қиласан.

■ Акбар ЖОНУЗОҚОВ, Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

***

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

XORIJDA

АФҒОНИСТОН:

АЁЛЛАР ЯНА БИР ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ БЎЛДИ

Афғонистонда аёл жинсига мансуб ҳар қандай миллат вакилалари автомобиль бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

Аёлларнинг машина рулини бошқариши, толибонлар фикрича, миллий урф-одатларга зид ҳамда жамият кўзига хунук ҳолат экан. Бу қарорда чет эл фуқаролари кўзда тутилган. Умуман, толиб раҳбарияти кейинги йилларда хориж фуқароларига тегишли бир неча чегаравий қонун-қоидалар жорий этишди. Ислом динига мансуб бўлмаган ҳар қандай шахслар кийимида махсус белгини тақиб юриши, мусулмонлар билан битта уйда, гарчи алоҳида хонадонда бўлса ҳам яшаши мумкин эмас.

«ҚИЗИЛ КИТОБ»ДАГИ ПАРИЛАР

Ҳаммамиз яхши биламиз, яъни ёшлигимиздаёқ бу жонзотлар ҳақида эртаклар эшитганмиз ва ўқиганмиз. Гап нимадалигини англамадингиз чоғи. Гап сув парилари ҳақида.

Гана институтининг денгиз биологияси бўйича шуғулланувчи мутахассислари ўтказган текширувлар эртаклардаги гўзал сув парилари аслида сувда яшовчи улкан сут эмизувчи ламантиналар эканлигини исботлади. Улар Атлантика океанининг Ғарбий Африкадаги соҳилларида ҳамда кўл ва дарёларда яшайди.

Институт илмий ходимаси Мамаа Энцуа-Менсанинг таъкидлашича, ламантиналарни ой нурида кузатилса, ярми балиқ, ярми аёл кўринишидаги жонзотга ўхшар экан. Айниқса, уларнинг урғочилари худди аёлларникидек кўкрак қафасга эга бўлади. Бўйи эса 2-4 метр, вазни 450 килограммгача тош босади. Барча сут эмизувчилардаги сингари уларда ҳам ўпка бўлиб, нафас олиш учун тез-тез сув юзасига чиқиб туради. Шу пайтда уларни кўрган одам сув парисига дуч келганлигига чиппачин ишонади.

Кузатувларда маълум бўлишича, ламантиналар кундузи ухлаб, кечаси озуқа қидиради. Уларнинг кўзи кичик, қулоқлари деярли кўринмайди, бўйни қисқа, қўл ўрнида куракоёқлар бор. Улар одамларга зарар етказмайди. Яна шу нарса маълумки, ламантиналар сув ўтлари билан озиқланади. Кунига ўз вазнининг 20 фоизига тенг оғирликда ўт ейди. Гана олимлари сув ҳавзаларини паразит ўсимликлардан тозалашда ламантиналардан фойдаланиш борасида тадқиқотлар ўтказмоқда.

Аммо афсуслар жиҳати ҳам бор экан. Яъни дунёда ламантиналарнинг атиги уч тури мавжуд бўлиб, барчасининг номи Халқаро «Қизил китоб»га киритилгандир.

ПАРВОЗ ҚОЛДИРИЛДИ

Буюк Британиянинг «Бритиш эйруэйз» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-747» русумли олтита самолётнинг парвози қолдирилди.

Оқибатда минглаб йўловчи ўз вақтида манзилига етолмади. Компания вакилларининг таъкидлашича, умумий кўрик давомида ушбу самолётларнинг двигателида носозликлар аниқланган. Текширишлар яна ўнта самолёт таъмирга муҳтожлигини кўрсатди.

ОФТОБ УРИБ КЕТМАСИН

Юртимиз серқуёш. Шунинг учун бўлса керак, бизда қуёш нурида тобланиш кўпам урф эмас. Лекин Европа мамлакатларида бу яхшигина одат тусига кирган. Ёз келиши билан кўпчилик сув ҳавзаларида чўмилиб, офтобда тобланиб ҳузур қилади. Бу одат XX асрнинг бошларидаёқ Европада урф бўлган эди. Бу шу пайтгача ҳам фойдали, ҳам ёқимли иш саналиб келинарди. Аммо британиялик мутахассисларнинг фикрича, тобланиш соғлиққа зарар келтирар экан. Уларнинг айтишича, касалхонага тери касаллигидан шикоят қилиб келаётганларнинг аксариятини «офтоб урган».

Ҳар йили қуёш нуридан 45 минг британиялик зарарланади ва шундан 5 мингги даъвоси йўқ «меланом» хасталиги билан оғрийди. 1600 бемор шу хасталик сабаб ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Ҳукумат бевақт ўлимнинг олдини олиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиряпти. Бу йилги ёзда реклама тадбирлари ўтказиш мўлжалланган. Аммо бу саъй-ҳаракатлар бесамар кетиши мумкин. Чунки намгарчиликдан силласи қуриган инглизларнинг 70 фоизи нима бўлганда ҳам қуёш нурида яхшилаб чўмилиб олмоқчи.

КИМДИР ТИРНОҚҚА ЗОР, АММО ҚОНУН...

62 ёшли француз аёли Мери Гатт ниҳоят фарзандли бўлди.

Она ва бола ўзини яхши сезишмоқда. Чақалоқ 3 килограмм оғирликда туғилган. Афсуски, Мерининг қувончи узоққа чўзилмади. Сабаби, у бепуштлик касалига йўлиққан ҳолда фарзандлик бўлганлиги учун қонун олдида жавоб бериши мумкин. Франция ички қонунларига асосан фарзандсизлик касали мавжуд бўлган ҳамда соғлом фарзанд туғиш ёшидан юқори бўлган аёлларнинг фарзанд кўриш учун даволаниши ёки сунъий уруғлантирилиши қонун билан тақиқланади. Аммо, бундай ҳолатлар учун қўшни Италия ва Буюк Британияда ҳеч қандай чегаралашлар йўқ. Маълум бўлишича, аёл Италияда даволаниш орқали ҳомиладор бўлган экан.

■ Хорижий манбалар асосида Наргиза ҲОШИМОВА тайёрлади

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

МАҚСАД — МАҲСУЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ

— Фазлиддин Аҳадович, маълумки Навоий вилояти нафақат саноати, балки чорвачилиги билан ҳам республикада катта салоҳиятга эга. Вилоятнинг мавжуд 4 та тумани, 36 та хўжалиги қоракўлчиликка, йилқи ва туячиликка ихтисослашган. Шундай экан, гапни аграр секторда муҳим аҳамият касб этган мазкур тармоқнинг бугунги аҳволидан бошласак.

Навоий вилоят «Қоракўл» акциядорлик бирлашмаси раиси Фазлиддин Аҳмедов билан мулоқот

— Сурункали қурғоқчилик, сув тақчиллигини ҳисобга олмаганда чўпон-чўлиқ ҳамон отар ортида. Чакмонига хас илинибдики, у тиним билмайди. Нияти фақат туёққа туёқ қўйиш, жамоат чорвасини кўз қорачиғидай асраш. Тўғри, собиқ шўролар даврида қўй танимаса-да, қий танийдиган «мутахассис»лар СЖКни зўри билан ҳар юз совлиқдан 150-200 тагача унум олишди. Охир-оқибат асил қоракўл қўйлари зотининг бузилишига олиб келинди. Эндиликда ана шу «урра-урра»чиликнинг жабрини тортаяпмиз. Қадимги сермаҳсул, зотдор қоракўл қўйларини аслига келтиролмай сарсонмиз. Ҳақиқий бободеҳқоннинг бир гапи бор: «пахта ва ғаллачилик бир йил оқсайди, чорвачилик эса ўн йил». Мана истиқлолимизга роппа-роса ўн йил тўлаяптики, ҳамон Қизилқумни қўйга, от ва йилқига тўлдиролганимиз йўқ. Айниқса, кейинги 2 йил ичида мавжуд 4 та туман — Конимех, Нурота, Учқудуқ, Томдида сермаҳсул совлиқларни кўпайтириш, зотдор наслларининг айтарли ҳаммасини ўстиришга қолдиришга алоҳида эътибор берилди. Бу ўринда Конимех туманидаги «Сарибел», «Қизилқум», «Конимех», Абай номли, Томди туманидаги «Жана-шаруа», «Томди», Нурота туманидаги «Ғазғон», «Нурота», Навоий туманидаги «Кармана» ширкат хўжаликларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу хўжаликларда зотдор, маҳсулдор совлиқлар кўпайгани боис бу йилги баҳорда ҳар юз совлиқдан 115-118 тага етказиб қўзи олинди. Ана шундай пешқадам хўжаликларнинг кўпайиб бораётгани боис жорий йилда умумий қўзиларнинг 67 фоизини ўстиришга қолдирдик. Шунинг 180 мингтаси юқорида қайд этганимиздек урғочи, наслдор қўзилардир. Бўлтур ҳам худди шу каби кўрсаткични таъминлаган эдик.

— Бирлашма тасарруфида бўлган йилқи ва туячилик ҳам қўйчилик каби ривожланяптими?

— Қурғоқчилик биргина қўйчиликнигина эмас, балки от ва туячиликнинг ҳам «белига» тепаяпти. Яйловларда шувоқ, изен каби табиий ўт-ўланларнинг кескин камайиб бораётгани, мавжуд 1745 та қудуқлардаги сув сатҳининг меъёрдан тушиб кетаётгани бизни ташвишга солаяпти. Бугун вилоят бўйича 4537 бош туя, 6434 бош йилқи бўлса, биз кейинги 3-4 йилда уларни икки ҳиссага кўпайтиришимиз мумкин. Бироқ юқорида зикр этганимиздек, саҳро ва чўллардаги салбий ҳолат, қунора эсаётган ғармсел ва чангтўзонлар бу тармоқ ишида ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқараяпти. Энг катта муаммо сув масаласидир. Агар ўт-ўлан, оби ҳаёт сероб бўлса, биз бемалол қўйчилик сингари туяйилқичиликни ҳам ҳадемай сердаромад соҳага айлантириб оламиз. Ана ўшанда тиббиётда кенг қўлланиладиган туя жуни, қимиз ва шубат муттасил кўпаяди. Яна бир муаммо бу — тармоқ ривожи учун маҳсулотни қайта ишлаш саноати Қизилқум учун, аниқроғи, Томди ва Учқудуқ учун сув билан ҳаводек зарур.

— Фазлиддин Аҳадович, бирлашма кадрлар бўғини, уларнинг бурч ва масъулияти хусусида ҳам фикр билдирсангиз?

— Ҳусан Бойқулов, Алмамбет Назаров, Абдулла Раҳимов каби устоз ва мураббийларим билан фахрланаман. Ишга масъулият, қаттиққўллликни ана шулардан ўрганганман. Шу боис менга елкадош, кўмакдош бўлиб ишлаётган Тойир Адилов, Баҳрон Ялғашев, Сабоқ Нуршабоевларни ҳурмат қиламан, улардан интизомни, ишни талаб қиламан. Чунки, қайси бир иш участкаси ва идораси бўлмасин кадрлар тизими мукаммал бўлса, ўша ерда иш юришади.

■ Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

АВТОСЕРВИС МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Тико», «Дамас», «Нексия» автомобилларига техник хизмат кўрсатиш даражаси юксалмоқда. Тадбиркор Отабек Шамсутдинов ҳам Андижон шаҳрида янги автосервис салони очди. Умумий майдони 600 квадрат метрдан иборат автосервис хориж технологиялари билан жиҳозланган.

Янги автосервисдаги барча ускуна ва жиҳозлар Жанубий Кореядан келтириб ўрнатилди. Автомобиль шиналари ейилиши, ғилдираклар ҳаракатидаги носозликлар компьютер қурилмалари ёрдамида бартараф этилади. Шиналарни ямаш иши янги усулда бажарилади. Двигателлардаги камчиликлар диагностика аппаратида бир зумда аниқланади. Бу ерда кўтариш-туширишқурилмаларининг автоматик тарзда бошқарилиши, асбоб-ускуналар ёрдамида ҳар қандай носозликни топиш ва тузатиш, газ чиқиндилари миқдорини ўлчаш каби имкониятлар бор. Зарур эҳтиёт қисмлар дўкони, автомобилларни ювиш цехи ишлаб турибди.

— Келгусида кечаю кундуз мижозларга хизмат кўрсатишни режалаганмиз, — деди автосервис бошлиғи Олимжон Раҳимов. — Яқин вақт ичида кўчма автосервис хизматини йўлга қўямиз. Бунинг учун зарур техника ҳамда малакали усталарни танлаяпмиз. Улар ёрдамида замонавий автомобилларга тез ва сифатли техник хизмат кўрсатишни амалга оширамиз.

Суратларда: *янги автосервис биноси; автосервис бошлиғи Олимжон Раҳимов уста Олимжон Боқиев билан бажарилган ишлар бўйича маслаҳатлашмоқда; ғилдиракларни созлаш пайти акс этган.*

Аъзам ҚОДИРОВ олган суратлар

DUSHANBA 4

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Ўзбекистон дурдоналари!». Телефильм.
9.10, 12.30 ТВ- метео.
9.15 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
9.45 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида.
10.05 «Хакалак». Мультфильм.
10.15 Болалар экрани «Чипполино». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.05 «Шоҳруҳ клуби».
12.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.55, 16.20 ТВ- клип.
13.00 «Оталар чойхонаси».
13.45 ТВ 1 намойиш этади.
14.10 «Олам». Телеальманах.
14.45 Кундузги сеанс: «Сиздан угина, биздан бугина». Бадиий фильм.
16.05 «Қишлоқ ҳаёти».
16.30 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.55 ТВ-анонс.
17.05 Экранда - телесериал. «Қалбим чечаги». 3-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Хамоҳанг наволар».
18.35 «Суғурта».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингизга қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.40 «Толеи ёруғ одамлар».
21.50 Ўзбектелефильм намойиши: «Озод юртнинг умид юлдузлари». Ҳужжатли видеофильм премьераси.
22.20 Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» II-халқаро турнири.
22.40 «Маънавият» дастури.
23.30 «Ахборот».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Мульттомоша».
10.15, 11.40, 17.30 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 14-қисм.
10.50 «Ўзбекистон жавоҳирлари». Телефильм.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.55 Луиджи Пиранделло. «Пайванд». Аброр Ҳидоятов театрининг спектакли.
13.20 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.
13.35 Халқаро тамакига қарши кураш кунига бағишланган. «Саломат бўлинг». 1-қисм.
14.05 «Сени излаб» Телевизион бадиий фильм.
14.40 Саломат бўлинг. 2-қисм.
15.10 «Сеҳрланган бола». Мультфильм.
15.55 Жаҳон жуғрофияси.
16.45 «Томоша». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»)
17.15 Спорт ҳафтаномаси.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси.
18.10 «Мульттомоша».
18.25 «Замондошимиз» туркумидан: «Ринг узра Ўзбекистон байроғи» («Ўзбектелефильм»)
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Ёшлик наволари.
19.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.05 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Ёшлар овози.
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Мерлин». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.30 «Авесто»нинг 2700 йиллигига «Бир ўлка-ки...». «Авесто – бебаҳо маданий мерос». 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Ишқисод ва биз».
18.20 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий -публицистик кўрсатув.
18.40 «Истеъдод». Т. Шукуров.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 , 22.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
21.45 «Толеи ёруғ одамлар».
21.55 Теннис бўйича Ўзбекистон кубоги.
«Тунги ҳамроҳ».
22.10 «Орзулар қанотида».
22.30 «Дунё эшиклари очилар бизга».
22.55 «Олам». Телеальманах.
23.30 «Ахборот».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Шум болалар.
9.30 «Мульттомоша».
9.45, 14.20 Мусиқий лаҳзалар.
9.55 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 16-қисм.
10.20 Ёшлар овози.
10.40 «Буюк Ипак йўли. Нурота». Телефильм.
11.00 «Даллас» телесериал.
11.45 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
12.05 Болалар экрани. «Олтин калитча».
13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.35 «Мерлин». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.30 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
14.55 Мультфильм.
15.15 Бу мунис лаҳзалар.
15.35 Қалқон.
16.00 «Олмазор». Бадиий фильм.
17.15 Ҳайрат.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
18.00 «Мульттомоша».
18.15 Ёшлар куйлайди.
18.25 Далил ва шарҳ.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
19.35 «Ракурс».
19.55, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Спорт-лото».
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Мусиқий лаҳзалар.
20.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
21.25 Сиз севган хонанда: Лариса Москалёва.
21.45 XXI аср авлоди.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25-1.30 Хайрли тун!

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Мисли гавҳар».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.20, 20.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.40 «t° 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30, 21.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.50 «Таълимдаги ислоҳотлар: лицей ва коллежлар». Бевосита мулоқот.
22.25 «Ўзбегим навоси».
22.55 ТТВда сериал: «Селеста».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

РЖТ 6.30 - 8.00.
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Мультчархпалак».
17.55 «Инсон ва қонун».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.50 «Бизнес-ревю».
21.00 «Бебиликса пул». Сериал.
21.50 «Соккер клуб».
22.10 «Икки рояль».
22.50 Футбол. «Жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари». Люксембург - Россия терма жамоалари.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30 «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
9.30 «30-канал»да болалар соати.
10.30 «Яхши кайфият». Мусиқий-дам олиш дастури.
11.00 «30-канал»да премьера. «Дарма ва Грег». Ҳажвий сериал.
17.30 Дастурнинг очилиши.
17.35 «Икс-мен». Мультсериал.
18.00 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.25 «30-канал» кинооқшоми. «Хизмат бурчи тақозоси. Шон-шуҳрат ташвиши». Криминал фильм. Бош ролда Ллоули, В. Кемпбелл.
20.05 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.10 «Телеҳамкор». Фойдали газета. Метеохабар.
20.40 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Ажал қуроли».Ўткир сюжетли фильм. Бош ролда К. Ламберт, Айс-Ти.
23.15 «30-канал»да қизиқарли учрашувлар. Андрей Макаревич.

CHORSHANBA 6

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Созим - ҳамрозим». Мусиқий дастур.
9.10, 13.10 ТВ-метео.
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бухоро».
9.30 От спорти бўйича жаҳон кубоги.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида.
10.05 «Кўрқоқ бегемот». Мультфильм.
10.20 Кундузги сеанс: «Бор экан-да, йўқ экан». Бадиий фильм.
11.40 Республика ўқитувчиларининг 1 анжумани олдидан. «Камолот сари».
12.05 М. Маринье, Ги Абекасис «Қаллоблар». А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.20 Лирик тароналар.
13.55 , 16.40 ТВ-анонс.
14.10 Киносовға.
14.35 «Олов дамини даф этиб.»
14.55 Кундузги сеанс: «Дала ҳовли». Бадиий фильм.
